



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШДАН ИБОРАТ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА СОҶАВИЙ ХИЗМАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

И.С.Ортиқов

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20134190>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 08-may 2026 yil
Ma'qullandi: 10-may 2026 yil
Nashr qilindi: 12-may 2026 yil

KEYWORDS

Ўтган давр мобайнида олиб
борилган тизимли чора-
тадбирлар якуни бўйича
жиноятлар ва бошқа
ҳуқуқбузарликларнинг
олдини олиш ва
профилактикаси, жамоат
тартибини сақлаш ва аҳоли
хавфсизлигини таъминлаш.

ABSTRACT

Ички ишлар органлари аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, шунингдек, бошқа ҳаётий муҳим вазифаларни амалга оширишда алоҳида ўрин эгаллайди. Мустақиллик йилларида ички ишлар органларини жазоловчи, назорат қилувчи органдан халқ, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қиладиган тузилмага айлантириш бўйича самарали ишлар амалга оширилди.

Ички ишлар органлари аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, шунингдек, бошқа ҳаётий муҳим вазифаларни амалга оширишда алоҳида ўрин эгаллайди. Мустақиллик йилларида ички ишлар органларини жазоловчи, назорат қилувчи органдан халқ, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қиладиган тузилмага айлантириш бўйича самарали ишлар амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида олиб борилган тизимли чора-тадбирлар якуни бўйича жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян натижаларга эришилди.

Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий соҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга йўналтирилган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида», «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»¹, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»²ги қонунлар ҳамда ушбу

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 585-модда.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда.

йўналишдаги ишлар самарадорлигини таъминлашнинг мантиқий давоми сифатида “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонун³и қабул қилинди. Ички ишлар органлари фаолиятини янада чуқурроқ ислоҳ этиш ва фаолиятни замон талабида ташкил этиш ҳамда такомиллаштириш мақсадида, 2017 йил 10 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон⁴и эълон қилинди.

Ушбу Фармон билан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналиши сифатида вояга етмаган ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилишга қаратилган тизимни ривожлантириш белгилаб қўйилган.

Дарҳақиқат, бугунги кунда терроризм, диний экстремизм оқимларига кўшилаётган, зўравонлик ва шафқатсизликни ўзида тарбиялаётган ёшларни ҳаёт тарзини таҳлил этадиган бўлсак, уларнинг тарбияси, маданияти, савияси турмуш тарзига таъсир этаётган кучлар, “оммавий маданият”нинг салбий иллатларидан озикланганлигини кўрамыз. Гиёҳвандлик воситаларининг айниқса ёшлар ўртасида тарқалиши бугунги кунга келиб бутун дунёни ларзага солаётган муаммо, жиноятчилик ўчоғи, ногирон фарзандлар дунёга келишининг сабаби, халқ келажагининг таназзули десак муболаға бўлмаса керак.

Ўз ўрнида айтиш керакки, мазкур жиноятларнинг содир этилиши аҳоли соғлиғи, ҳаётига жиддий хавф туғдириб, жиноятчилик ҳолатларининг ортиши ва уюшган жиноятчиликнинг вужудга келишига сабаб бўлади, шунингдек, мазкур жиноятлар жамиятдаги ахлоқий меъёрларга, унинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий асосларига путур етказди. Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларга қарши курашда соҳавий хизматларнинг ўзаро ҳамкорлигини тўғри ташкил этилиши ва махсус техника воситаларини самарали қўллаб тезкорқидирув тадбирларнинг самарадорлигини белгилайди.

Мазкур офатга қарши аёвсиз курашиш барқарор ривожланиш, жамиятда ҳар томонлама соғлом турмуш тарзи, юксак маънавиятни чуқур қарор топтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Бу йўлда қатор халқаро конвенциялар ҳаётга татбиқ этилган. Уларнинг ижроси замирида гиёҳвандликдан холи жамият қуриш йўлида дунё ҳамжамиятини бирлаштириш ғояси мужассамдир. Мутахассисларнинг фикрича, гиёҳвандлик моддалари таъсирига тушиб қолиш айнан ўсмирларда кўп кузатилади. Бўш вақтини мақсадсиз ўтказиш, турли ножоиз ҳою-ҳавасларга берилиш, енгил ҳаётга муккасидан кетиш ана шу фожиа тўрига илиниб қолишга олиб келар экан. Шу боис навқирон авлодни турли иллатлар таъсиридан асраб-авайлаш, уларни касб-хунар, билим эгаллашга йўналтириш, бу

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 438-модда.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 243-модда.

йўлдаги қизиқишлари ва истеъдодларини рағбатлантириш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш давр талабидир.

Жиноятга оид статистик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари амалиёти маълумотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари таҳлилига қараганда кейинги вақтларда гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишнинг жўғрофий кенглиги ва гиёҳвандлик билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг нисбати ўсиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Ўзбек халқига ёт бўлган, лекин тез тарқалиб бораётган гиёҳвандлик ва у билан боғлиқ бўлган салбий жараёнларнинг олдини олиш ҳозирги кунда жамиятимиз олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Бу борада охириги йилларда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан турли йўналишда бир қатор катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда иқтисодий-сиёсий ва ҳуқуқий ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши билан биргаликда профилактика субъектларининг гиёҳвандлик билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чоратадбирларни кўриб чиқиш ва уларнинг самарали амалга оширилишини тақозо этмоқда.

Республикамизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, жумладан, Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги тизимлари томонидан гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ вазиятни ҳисобга олган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги халқаро мажбуриятлари, қолаверса, қабул қилинган Давлат дастури талабларига асосан, мамлакатимизда гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний айланишига қарши кураш юзасидан бир қатор комплекс тезкор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, республикамиз ҳудудида таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни ноқонуний равишда етиштириш, қўшни давлатлардан контрабанда йўли билан кириб келишига чек қўйиш мақсадида ҳар йили икки босқичли “Қорадори” тадбири ўтказилиб келинмоқда.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларига қарши курашда тегишли мамлакатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва божхона органлари билан ҳамкорликда гиёҳвандлик моддаларининг кириб келиш каналлари занжирини бошидан охиригача аниқланишини ва шунга асосан ишлаб чиқарган, уларни юборган, олиб борган, қабул қилган ва сотаётган шахсларни аниқлаш талаб этилади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда муомала қилиш – уюшган жиноятчиликнинг ўзига хос соҳаси бўлиб, наркобизнес билан шуғулланаётган жиной ташкилотлар тузилиши ташкилий жиҳатдан ўзаро қабул қилинган тартиб-интизомга қатъий бўйсунуши, бошқарув раҳбариятига эгаллиги, ташкилотнинг ичида ролларнинг аниқ тақсимланиши, конспирация, коррупциялашган ҳар хил хизмат соҳаларига мансуб мансабдор шахслар билан алоқаларнинг боғланганлиги, жиной йўл билан топилган фойдани қонунийлаштиришнинг тижорат каналларига эгаллиги, жиной фаолиятни яшириш усулларининг мавжудлиги билан ўзига хосдир.

Жиной ҳамжамиятларнинг ташкилотчилари сифатида жиноят бизнесининг бошқа соҳаларига мансуб бўлган ишбилармонлар бўлиши мумкин: қимор, иславоҳона ёки жиноят оламида ўзига хос обрўга эга бўлган шахслар; гиёҳвандлик моддаларининг

қонунга хилоф равишда муомалада бўлиши билан боғлиқ жиноятлар учун муқаддам судланган шахслар, баъзи бир ҳолларда тиббиёт ходимлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг ходимлари учраши мумкин. Бу ташкилотлар ўзларининг мутахассисларига ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қарши курашадиган блокларига, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўтарасига ёки алоҳида сотиш билан шуғулланувчиларга эга.

Ташкилотларнинг ичида махсулаштирилган ишлаб чиқарувчи тузилмалар, синтетик гиёҳвандлик моддаларини ишлаб чиқарувчилар (кимёвий билимларга эга мутахассислар), бу моддаларни бир жойдан иккинчи жойга етказиш билан шуғулланувчи (куррьер)лар мавжуд бўлиши мумкин.

Бугунги кунда ер юзидаги кўпгина мамлакатларда, ҳатто иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда ҳам гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари билан қонунга хилоф муомала қилиш жиноятлари жамоат хавфсизлигига тажовуз қилаётган энг хавфли ижтимоий ҳодисалардан бири ҳисобланади.

Кундан-кунга ижтимоий хавфсизлик даражаси ошиб бораётган бу иллатларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, ўз вақтида аниқлаш ва жиний гуруҳларнинг фаолиятини ўз вақтида фож этиш учун тезкор ходимлардан гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ содир бўлаётган ҳодисаларнинг аҳволини, даражасини, олиб кирилаётган ёки олиб чиқиб кетилаётган йўналишини ва янги пайдо бўлаётган синтетик гиёҳвандлик воситаларининг тури, кимёвий таркиби ва бошқа зарур маълумотларни билишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларида баён қилинган ҳуқуқий нормалар гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг олдини олишдаги умумижтимоий ва яқка тартибда ўтказиладиган профилактика ишларини ташкил этиш ҳамда амалга оширишда катта аҳамиятга эга. Умуман олганда, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар бўйича ҳамкорликни самарали олиб бориш ушбу жиноятларнинг олдини олиш ва очишда ушбу фаолият йўналишини умумий жиҳатларини мувофиқлаштириб боради. Шу боис ҳамкорликни ва мувофиқлаштиришни ташкил этиш мақсадида зарур даражадаги ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш йўлга қўйилади. Бу гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг олдини олишда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш имкониятини таъминлайди.

ИИВ тизимидаги ҳар қандай хизмат, бўлим ва бўлинмаларнинг олдига қўйилган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўз ваколатларини тўла ва муваффақиятли амалга оширишлари учун ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурияти юзага келади. Авваламбор, тергов ва жиноят қидирув аппаратлари ички ишлар вазирлиги тизимининг энг муҳим бўғини бўлганлиги учун айрим масалаларни умумий ҳолда Ички ишлар вазирлиги тизими миқёсида кўриб чиқишга тўғри келади. Шундан келиб чиққан ҳолда масалани умумий ҳолда қуйидагича кўриб чиқамиз.

Жиноят қидирув ва тергов аппаратларининг ҳамкорлигини келтириб чиқарувчи ва зарурият туғдирадиган бирламчи омил бўлган алоҳида мустақил фаолиятларини ва бу аппаратларнинг ички тузилишига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Терговчининг суриштирув органлари билан ҳамкорлиги деганда, терговчи ва суриштирув органларининг биргаликдаги; мақсадлари, жойи ва вақти бўйича келишилган; қонунга ва қонуности ҳужжатларига асосланган ва дастлабки тергов вазифаларини бажаришга қаратилган фаолияти тушунилади. Унинг суриштирув органлари ва жамоатчилик билан терговдаги ҳамкорлиги, аввало, амалиёт эҳтиёжларидан келиб чиқади.

Кўпгина жиноятларнинг, айниқса, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларнинг очилиши қийин эканлиги маълум. Жиноятчилар жиноят содир этиш усулларини пухта ўйлаб чиқадилар, ўз жинойи фаолиятини амалга ошириш жараёнида фан ва техниканинг энг янги ютуқларини қўллайдилар ва иложи борича камроқ из қолдиришга ҳаракат қиладилар. Бир қатор ҳолларда улар атайин терговни чалғитишга уринадилар.

Бундай ғайриқонуний қилмишларга қарши курашда терговчининг ўз кучи, малакаси, билими ва қўшимча воситаларга таяниши ҳам барча ҳолатларда ҳақиқатни аниқлаш учун етарли бўлмайди. Юзага келган масалалар ва қийинчиликларни бартараф этиш ўз навбатида махсус восита ва усулларни, жумладан, суриштирув органлари эга бўлган махсус воситаларни қўллашни талаб этади.

Илғор амалий-назарий тажрибанинг далолат беришича, жиноятпроцессуал ва тезкор-қидирув фаолиятларини уйғунлаштириш, ўз навбатида, жиноятнинг муваффақиятли очилишини таъминлайди. Дастлабки тергов ва суриштирув органлари ҳар бири мустақил хизмат тизимлари бўлганлиги ва фаолияти нуқтаи назаридан бирбири билан узвий боғлиқ эмаслиги сабабли, улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурати юзага келади. Маълумки, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг олдини олишда далилий аҳамиятга эга бўлувчи ахборот манбаларини қидириб топишда муайян қийинчиликлар туғилади.

Шунингдек, бир терговчи ёки битта тергов бўлимининг ўзи қисқа вақт ичида зарур гувоҳларни, жабрланувчиларни, жиноят иши бўйича ашёвий далилларни, муҳим маълумотларни қидириб топиши ниҳоятда қийин кечади. Терговчининг маълум бир катта ҳудудда, сув ҳавзалари ва бошқа жойларда далилий ашёни излаб топишига кўп вақт ва куч талаб этилади. Бу каби вазиятларда терговчи жамоатчиликка, аҳолига мурожаат этишга мажбур бўлади.

Терговда жамоатчилик ёрдамидан фойдаланиш оммани жиноятчиликка қарши курашишга, бу билан давлат ишларини бошқаришга жалб этишнинг, аҳолини қонунларга аниқ ва оғишмай риоя этиш руҳида тарбиялашнинг усулларидан бири ҳамда фуқароларнинг жиноят процессида иштирок этиши принципининг аниқ намоён бўлишидир.

Терговчининг суриштирув органлари, шунингдек, жамоатчилик билан ҳамкорлиги дастлабки терговни ўтказишнинг умумий шартидир. Жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув фаолиятининг имкониятларини, терговчи ва жамоатчиликнинг кучларини бирлаштириш содир этилган жиноятнинг ҳолатларини тез ва тўлиқ аниқлашга, одил судлов вазифаларининг бажарилишига энг кўп даражада ёрдам беради. Суриштирув органи билан терговчи ўртасида вужудга келадиган процессуал

муносабатлар аввало уларнинг кундалик иш фаолиятида бажариладиган процессуал ваколатларининг чегараси, ҳажми ва доирасига боғлиқ бўлади.

Гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни очиш ва олдини олишда жиноят қидирув ходимлари жиноят иши юзасидан Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 14-моддасида белгиланган текшириш учун харид қилиш, назорат остида олиш, назорат остида етказиб бериш ва бошқа зарур тезкор-қидирув тадбирларини, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини, шунингдек, содир қилинган жиноятни очиш, уларнинг олдини олиш, жиноят содир этган шахсни аниқлаш ва уни жавобгарликка тортиш учун жиноят-процессуал қонунда кўрсатилган бошқа зарур процессуал мажбурий чораларни қўллайди.

Гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг олдини олиш ва тергов қилишда терговчи ва суриштирув органлари ҳамкорлигининг аҳамиятини унга қўйиладиган қўйидаги талаблардан ҳам кўриш мумкин:

- ҳамкорлик жараёнида терговчи ва суриштирув органлари томонидан ўрнатилган қонунийликка қатъий риоя қилиш;
- субъектлар ваколатининг қатъий белгиланиши;
- тезкор-қидирув ишларини олиб боришда қўлланиладиган восита ва усуллар ҳақидаги махфий маълумотларни ошкор қилмаслик;
- ҳамкорлик жараёнида қидирув тадбирларини амалга оширишда фойдаланиладиган восита ва усулларни танлашни суриштирув органларининг ўзи мустақил ҳал этиши.

Шундай қилиб, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг олдини олиш ва самарали тергов қилиш жараёнида ҳамкорлик – бу жиноятларни очиш ва тергов қилиш учун ҳаракатларнинг бир-бирига келишув асосида монандлигини, ўзаро боғланиш алоқаси ва қўллаб-қувватлаш тадбирларидан иборат бўлган фаолият сифатида тан олинади.

Демак, бугунги кунда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларга қарши курашда ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи бўлимлари бошқа соҳавий хизматлар ва кенг жамоатчилик, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг тарқатилиши ва уларни яшириш ҳолатларини аниқлаш ҳамда жиний гуруҳлар фаолиятини фoш этиш борасида божхона хизмати, давлат чегараларини кўриқлаш хизмати, миллий хавфсизлик хизмати ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорликда кенг қамровли тадбирлар ташкил этилиб, амалга оширилса, бу борадаги фаолиятимиз ўз мақсадига етишига ишонамиз.